

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zpartamponaj" AJ

Объявление

"O'ZPARTAMPONAJ" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ АУДИТОРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ

“Ўзпартампонаж” АЖ Кузатув кенгашининг 19.09.2023 йилдаги қарорига асосан жамият ички аудит хизмати аудитори лавозимига танлов эълон қилинади.

Жамият жойлашув манзили: Бухоро вилоят, Қоровулбозор тумани, Қарши шоссеси.

Асосий фаолият йўналиши: нефтгаз соҳаси корхоналарига хизмат кўрсатиш.

Ички аудит хизматининг асосий вазифаси: Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текширади ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шу билан бирга, ички аудит хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан зарур вазифа ва функцияларди бажаради.

Номзодларга қўйиладиган асосий талаб ички аудитор сертификати мавжудлиги.

Қўшимча талаблар:

камида уч йил корхоналарда аудитор (ички, ташқи) сифатида иш тажрибасига эга бўлиш;

компютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлашда зарур малака ва кўникмалашга эга бўлиш;

молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоботининг миллий ва ҳалқаро стандартларини билиш;

корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш қобилияти эга бўлиш;

“Давлат харидлари тўғрисида”ги 22.04.2022 йилдаги ЎРҚ-684-сонли қонун талабларига асосан товар (хизмат, ишлар) харидлари тартибини билиш;

корпоратив қонунчилиги асосларини билиш;

аффилиланган шахслар билан битимларни таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш; давлат тилини эркин ва малакали билиш талаб этилади, шунингдек инглиз ва рус тилларини билиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш учун номзод томонидан қуйидаги ҳужжатларни ёпиқ (елимланган) конвертда тақдим этиши керак:

1. Танловда иштирок этиш учун ариза илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ва алоқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда;
2. Анкета;
3. Паспорт нусҳаси (ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат);
4. Ички аудитор сертификати нусҳаси;
5. Меҳнат дафтарчаси ва/ёки иш стажини тасдиқловчи ҳужжат нусҳаси;
6. 3,5x4,5 ҳажмда 4 дона фотосурат;
7. Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома;
8. Бошқа хўжалик жамиятларда ички аудитор лавозимида аввал ишлаганлиги ҳамда ҳозирги вақтда ўриндошлик асосида ишлаётганлиги тўғрисида расмий тасдиқлаган ҳолда батафсил корхоналар рўйхати кўрсатилган маълумотнома.

Номзодлар танловда иштирок этиш учун тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўғрилиги ва тўлиқлиги учун шахсан жавобгар ҳисобландилар.

Номзодлар учун қўшимча маълумот: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.10.2022 йилдаги 619-сон ва 16.10.2006 йилдаги 215-сон қарорларига асосан ички аудит хизмати ходимлари корхонанинг штат жадвалига киритилиши шарт ва меҳнат шартномаси асосида ёлланади.

Аризалар илова қилинган ҳужжатлар билан 2023 йил 29 сентябрь соат 17.00га қадар Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани, Қарши шоссеси манзили бўйича қабул қилинади. Алоқа учун телефон рақам/факс (+99893) 960-19-26.

Танлов ўтказиш санаси 30.09.2023 йил соат 12.00 да.

Қўшимча маълумотларни олиш учун жамиятнинг ходимлар бўлимига мурожаат қилишингизни сўраймиз. Алоқа учун шахс: ходимларни бўлими бошлиғи – И.Хожиев

22.09.2023

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16298/>

Дата: 07.05.2026